

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.05/30.12.2019.Ох.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИНИНГ
БУХОРО ФИЛИАЛИ**

ЖЎРАЕВ УМИД АНВАРОВИЧ

**СУҒОРМА ДЕҲҚОНЧИЛИҚДА БИОМЕЛИОРАТИВ
ТАДБИРЛАРНИНГ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АСОСЛАРИ**

06.01.02– Мелиорация ва суғорма деҳқончилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской диссертации (DSc)
Content of the abstract of doctoral dissertation (DSc)

Жўраев Умид Анварович

Суғорма деҳқончиликда биомелиоратив тадбирларнинг илмий-амалий асослари..... 3

Жураев Умид Анварович

Научно-практические основы биомелиоративных мероприятий в орошаемом земледелии 29

Jurayev Umid Anvarovich

Scientific and practical basis of biomeliorative activity in irrigated agriculture..... 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 59

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.05/30.12.2019.Ох.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИНИНГ
БУХОРО ФИЛИАЛИ**

ЖЎРАЕВ УМИД АНВАРОВИЧ

**СУҒОРМА ДЕҲҚОНЧИЛИҚДА БИОМЕЛИОРАТИВ
ТАДБИРЛАРНИНГ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АСОСЛАРИ**

06.01.02– Мелиорация ва суғорма деҳқончилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.3.DSc/Qx133 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг Бухоро филиалида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.psuuyaiti.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: Хамидов Муҳаммадхон
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: Мамбетназаров Бисенбай Сатназарович
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, академик

Авлиякулов Мирзоолим Авазович
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, катта илмий ходим

Икрамов Раҳимжон Каримович
техника фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар
институту

Фан доктори (DSc) диссертацияси ҳимояси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01 рақамли Илмий кенгашининг ~~22.06~~ 2021 йил соат ~~9.00~~ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника м.ф.й, ЎзПИТИ кўчаси. ПСУЕАИТИ. Тел.: (+99878) 150-62-84; факс: (+99871) 150-61-37; e-mail: piim@agro.uz)

Фан доктори (DSc) диссертацияси билан Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ ~~110~~ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника м.ф.й, ЎзПИТИ кўчаси. ПСУЕАИТИ. Тел.: (+99895) 150-62-84; факс: (+99871) 150-61-37.

Диссертация автореферати 2021 йил ~~09~~ ~~06~~ кун тарқатилди.
(2021 йил ~~09~~ ~~06~~ 1-рақамли реестр баённомаси.)



 Ш.Н. Нурматов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, к.х.ф.д., профессор

 Ф.М. Хасанова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к.х.ф.н., профессор

 Ж.Х. Ахмедов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор

КИРИШ (Фан доктири (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. «Бугунги кунда дунё бўйича ҳар йили 6-7 миллион гектар ер экин экишга яроқсиз ҳолга келиб қолмоқда. Суғориладиган ерларнинг 40 фоизи турли даражада шўрланган. Тупроқда озиқа моддаларининг камайиши, шўрланиш ва ифлосланиш жараёнлари сабабли 16 фоиз, зичлашиш, чўкиш ҳамда ботқоқланиш ҳисобига эса 3-5 фоиз ерларнинг мелиоратив ҳолати ёмонлашмоқда»¹. Қурғоқчил минтақаларда жойлашган, турли хил табиий-хўжалик шароитларига эга бўлган суғориладиган ерларда сув тақчиллиги кучайиб бораётган даврда суғориш мелиорацияси тадбирларини кенг қўллаш орқали уларнинг мелиоратив ҳолатини барқарор сақлаш долзарб ҳисобланади.

Дунё олимлари томонидан сув танқислигининг олдини олиш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, суғоришга ишлатиладиган қўшимча сув манбаларини яратиш бўйича муайян устувор йўналишларда илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Шўрланган майдонларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашда биомелиоратив тадбирларнинг самарадорлигини ошириш, сув танқислиги шароитида қишлоқ хўжалиги экинларидан барқарор ҳосил олиш, шўр ювишга сарфланаётган сув ресурсларини иқтисод қилиш, суғориш сувининг самарадорлигини ошириш, сув танқислиги шароитида коллектор-зовур сувларидан самарали фойдаланиш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратилган биотехнологияларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

Республикада кейинги йилларда тобора ошиб бораётган сув танқислиги шароитида “органик қишлоқ хўжалиги” тизимини яратишда биомелиорантлардан фойдаланиш бугунги кунда долзарб ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясининг ...3.3 бандида «...суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, тупроқ унумдорлигини ошириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни, энг аввало, сув ва ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни қўллаш»² муҳим вазифалардан бири қилиб белгилаб берилган. Бу борада суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, қишлоқ хўжалиги экинларидан барқарор ва юқори ҳосил олишни таъминлаш, кимёвий мелиорация тадбирларини камайтириш, тупроқ шўрини ювишда ва суғоришга ишлатиладиган сувларнинг самарадорлигини ошириш ва қўшимча сув манбаси сифатида коллектор-зовур сувларидан фойдаланиш ҳамда биомелиоратив тадбирларни ишлаб чиқишга қаратилган тадқиқотлар муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон Фармони билан тасдиқланган “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва 2020

¹<http://www.fao.org/3/mo297r/mo297r.pdf>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони

йил 10 июлдаги ПФ-6024-сон Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепцияси”, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2020 йил 18 майдаги ПФ-5995-сон “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг сифат ва хавфсизлик кўрсаткичлари халқаро стандартларга мувофиқлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонида белгилаб берилган устувор йўналишлар ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация мавзуси бўйича илмий-тадқиқот ишлари Республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг V «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси» устувор йўналиш доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи.

Суғориладиган ерларнинг тупроқ-иқлим, мелиоратив, гидрогеологик ва экологик шароитларидан келиб чиққан ҳолда, тупроқ ва сув таркибидаги тузларни туз ўзлаштирувчи ўсимликлар ёрдамида камайтириш бўйича илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий тадқиқот институтлари, илмий марказлар ва олий таълим муассасаларида, жумладан, Leibniz Centre for Agricultural Landscape Research (Германия), Food and Agriculture Organization (FAO), The University of Lille (Франция), The University of Algarve (Португалия), International Center for Agricultural Research in the Dry Areas (ICARDA), International Water Management Institute (IWMI, Шриланка), Centre for Alleviation of Poverty through Sustainable Agriculture (CAPSA, Индонезия), University of Kassel (Германия), Australian Cotton Research Institute (Австралия), Institute of Cotton Research (ICR, CAAS), Shehezi University (Хитой), Indian Agricultural Research Institute (Ҳиндистон), А.М.Костяков номидаги Бутунроссия гидротехника ва мелиорация илмий-тадқиқот институти, В.В.Докучаев номидаги Бутунроссия тупроқшунослик илмий-тадқиқот институтда (Россия) илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Германия давлатининг ZALF агротехнологиялар илмий тадқиқот марказида олиб борилган тадқиқотлар давомида сув ўсимликларидан *Lemna minor*, минерализацияси турлича бўлган зовур сувларидаги хлор миқдорига ижобий таъсир кўрсатиб, хлор миқдорини камайтириши аниқланган (Leibniz Centre for Agricultural Landscape Research); кузги бошоқли дон экинларини дренаж сувлари билан суғориш натижасида сув танқислигини юмшатиш имконияти яратилганлиги исботланган (Institute of Cotton Research (ICR)); қишлоқ хўжалиги экинларини дренаж сувлари билан суғорилганда гармселнинг олдини олишга эришиш мумкинлиги аниқланган (Indian Agricultural Research Institute); бугунги кунда тобора ортиб бораётган иқлим ўзгаришларида дренаж сувлари билан қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш

технологияси ишлаб чиқилган (International Water Management Institute (IWMI); турли минтақаларда қишлоқ хўжалиги экинларининг тупроқда зарарли тузлар таъсирида ҳосилдорлик кўрсаткичи сезиларли даражада камайиши аниқланган (Stockholm Technology University).

Бугунги кунда дунёда сув танқислиги шароитида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашда биомелиоратив тадбирлар, қурғоқчиликка ва тузга чидамли ўсимликларни етиштириш, суғоришда коллектор-зовур сувларидан фойдаланиш бўйича қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: биомелиоратив тадбирлар натижасида тупроқнинг туз режими, сизот сувлари сатҳи ва минерализацияси, тупроқнинг намлигини ўзгариши, шўр ювиш тадбирлари самарадорлигини ошириш; зовур сувларининг минерализациясини биологик усулда пасайтириб, улардан суғоришда қайта фойдаланиш натижасида тупроқнинг сув-физик, мелиоратив ҳолатига, сизот сувлари сатҳи ва минераллашганлик даражасига ҳамда қишлоқ хўжалиги экинларининг ўсиб-ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсирини аниқлаш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Суғорма деҳқончиликда қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришда тупроқнинг шўрланишига таъсири, шунингдек, сув танқислиги шароитида биомелиорант ўсимликларининг ерларнинг мелиоратив ҳолатига таъсири ҳамда шўр ювиш меъёрлари ва муддатларини қисқартириш, коллектор-зовур сувларидан фойдаланиш, зовур сувлари билан суғоришни ғўзанинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсири бўйича ўтган асрнинг 70-80 йилларида ПСУЕАИТИ нинг Бухоро, Хоразм, Сирдарё, Қашқадарё ва Фарғона тажриба станцияларида илмий изланишлар натижасида ўрганишлар олиб борилган.

Сўнгги йилларда қурғоқчил минтақаларда тупроқ шўрланишини олдини олишда биомелиоратив тадбирларнинг самарадорлигини ошириш, сув танқислигини юмшатиш, суғоришда қўшимча сув манбаси сифатида коллектор-зовур, ер ости сувларидан фойдаланиш бўйича Қ.Мирзажонов, А.Авлиёқулов, М.Хамидов, Г.Безбородов, Ш.Нурматов, Б.Серикбаев, Р.Икрамов, М.Якубов, С.Бўриев, Н.Малабоев, Т.Ражабов, М.Маҳмудов, А.Абдукаримов, А.Жўраев, У.Норқулов, Б.Мамбетназаров, С.Исаев, А.Хамидов, М.Авлияқулов, А.Шамсиев ва хорижда D.Balla, S.Maasen, J.Andersson, B.Wedding, K.Tonderski, K.M.Keinzler, A.S.Qureshi, M.Qadir, S.Schubert, A.Ghafoor, G.Murtaza, H.S.Gill, I.P.Abrol, J.J.Zhu, G.Singh кабилар томонидан бир қатор илмий тадқиқотлар олиб борилган.

Аммо, бугунги кунда республикамизда сув танқислиги йилдан-йилга ортиб бормоқда, бу эса ўз навбатида ерларнинг мелиоратив ҳолатини ёмонлашуви, экинлардан олинадиган ҳосилнинг камайишига олиб келмоқда. Бундай ҳолатларнинг салбий оқибатларини камайитириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашда биомелиоратив тадбирлар, яъни қурғоқчиликка ва тузга чидамли ўсимликлардан махсар ва тарик етиштириш орқали сув танқислигининг салбий оқибатларини камайитириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ҳамда шўр ювиш меъёрлари ва муддатларини қисқартириш, сув танқислигининг олдини олиш, қўшимча сув манбааларини

яратиш мақсадида коллектор-зовур сувларининг минерализациясини биологик усулда сув ўсимликлари ёрдамида пасайтириб, улардан суғорма деҳқончиликда қайта фойдаланиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари етарли даражада олиб борилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг Бухоро филиали илмий тадқиқотлар режасининг “Суғорма деҳқончиликда биомелиоратив тадбирларнинг илмий-амалий асослари” (Бухоро вилояти мисолида) (2010-2020 йй.), Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг 15/2019-сонли “Бухоро вилояти ҳудудида шаклланадиган коллектор-зовур сувларининг минераллашганлик даражасини биологик усулда пасайтириб суғорма деҳқончиликда фойдаланиш” (2019 йй.), 5/2010-сонли “Фитомелиоратив тадбирларни қўллаш орқали ерларнинг шўрини ювишдаги сув сарфини камайтириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш” (2010-2012 йй.) мавзусидаги хўжалик шартномалари, Ўзбекистон Республикаси Иновацион ривожланиш вазирлигининг ҚХ-А-КХ-2018-299-сонли “Бухоро воҳасининг шўрланган ерларида сув тежамкор суғориш ва шўр ювиш технологияларини ишлаб чиқиш” (2018-2020 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳа, Германиянинг “ZALF” агротехнологиялар илмий тадқиқот маркази “LEBNIS” ландшафтшунослик илмий текшириш институти, Германиянинг “Kassel” университети билан ҳамкорликда ВМБФ ташкилотининг “BioWat” мавзусидаги халқаро илмий грант дастури доирасида бажарилган (2017-2020 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади сув танқислигининг салбий оқибатларини камайтириш, фитомелиорант ўсимликларини етиштириш орқали ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, шўр ювиш меъёрлари ва муддатларини қисқартириш ҳамда коллектор-зовур сувларининг минерализациясини биологик усулда камайтириб, сифати яхшилانган зовур сувлари билан ғўзани суғориш бўйича илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Бухоро вилоятида ерларнинг мелиоратив ҳолатини ўрганиш, шўр ювиш жараёнларида ишлатиладиган сув ресурслари, коллектор-зовур тизимлари, ушбу тизим орқали ҳудуддан чиқариб юборилаётган сизот сувларининг ҳажми ва минерализациясини ҳамда табиий ва антропоген таъсирлар ҳисобига уларнинг ўзгаришини аниқлаш;

шўрланган тупроқларда кузги буғдойни суғоришда сув ресурсларини иқтисод қилиш, мақбул суғориш ва озиклантириш тартибининг кузги буғдойнинг ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги ва донининг сифат кўрсаткичларига таъсирини аниқлаш;

махсар (*Carthamus tinctorius D*) ва тарик (*Panicum miliaceum Link*) ўсимликларини шўрланган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашдаги фитомелиоратив самарадорлигини аниқлаш;

мелиорант ўсимликларни етиштиришнинг тупроқ шўрини ювиш

тартибига таъсирини аниқлаш;

кузги буғдойдан сўнг биомелиорант ўсимликларини етиштиришнинг ғўзани ўсиши, ривожланиши ҳамда ҳосилдорлигига таъсирини аниқлаш;

биомелиорант экинларнинг ерларнинг мелиоратив ҳолатига ва ғўзанинг ҳосилдорлигига таъсирини баҳолаш бўйича чизикли регрессия модели ва корреляция коэффициентини аниқлаш;

дала шароитида кичик ҳовузларда Кичик Ряска (*Lemna minor*), Азолла (*Azolla caroliniana*) ва Эйхорния (*Eichhornia crassipes*) сув ўсимликларини зовур сувлари минерализациясига таъсирини аниқлаш;

Кичик Ряска (*Lemna minor*), Азолла (*Azolla caroliniana*) ва Эйхорния (*Eichhornia crassipes*) сув ўсимликларини ўстириш орқали сифати яхшилانган зовур сувлари билан суғоришнинг ғўзани “Бухоро – 102” навини ўсиб-ривожланиши, ҳосилдорлиги ва пахта толасининг сифат кўрсаткичларига таъсирини аниқлашдан иборатдир.

Тадқиқот объекти сифатида ўртача шўрланган, ўрта механик таркибли ўтлоқи аллювиал тупроқлар, мелиорант экинлари сифатида қурғоқчиликка ва тузга чидамли ўсимликлардан махсар (*Carthamus tinctorius D*) ва тарик (*Panicum miliaceum Link*), турли даражада минераллашган коллектор-зовур сувлари, туз ўзлаштирувчи мелиорант ўсимликлар Кичик Ряска (*Lemna minor*), Азолла (*Azolla caroliniana*) ва Эйхорния (*Eichhornia crassipes*) ҳамда ғўзанинг Бухоро-102 нави олинган.

Тадқиқот предмети бўлиб, Бухоро вилоятининг ўтлоқи аллювиал, шўрланган тупроқлари ва сув танқислиги шароитида мелиорант ўсимликлар: махсар (*Carthamus tinctorius D*) ва тарик (*Panicum miliaceum Link*) нинг ерларнинг мелиоратив режимига, шўр ювиш тартибига таъсири ҳамда коллектор-зовур сувларининг минерализациясини Кичик Ряска (*Lemna minor*), Азолла (*Azolla caroliniana*) ва Эйхорния (*Eichhornia crassipes*) сув ўсимликлари ёрдамида пасайтириб, ғўзанинг Бухоро-102 навини суғоришни унинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсири ҳисобланади.

Тадқиқот усуллари. Дала, лаборатория тадқиқотлари ва фенологик кузатувлар Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг “Дала тажрибаларни ўтказиш услублари” (ЎзПИТИ), Халқаро DIN стандарти ҳамда ZALF агротехнологиялар илмий текшириш институтида қабул қилинган услубларга асосан бажарилди. Шунингдек, тупроқларнинг сув-физик хоссалари, агрохимёвий кўрсаткичлари ва тупроқ таркибидаги тузлар миқдори “Ўза етиштириладиган суғориладиган майдонларда агрохимёвий, агрофизикавий ва микробиологик хоссаларини ўрганиш услублари”га асосан бажарилиб, олинган маълумотлар аниқлиги ва ишончилиги Б.А.Доспеховнинг “Дала тажрибаларни ўтказиш услублари” қўлланмалари асосида ҳамда чизикли регрессия модели ва корреляция усуллари орқали компьютер дастури ёрдамида математик-статистик таҳлил қилинган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат;

кузги буғдойнинг Краснодарская-99 навини мақбул суғориш ва

озиклантириш тартибларини унинг ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги ва доннинг сифат кўрсаткичларига ижобий таъсири ҳамда суғоришда сув ресурсларини 1935 м³/га иқтисод қилиши аниқланган;

махсар (*Carthamus tinctorius* D) ва тарик (*Panicum miliaceum* Link) ўсимликларини шўрланган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашдаги самарадорлиги ҳамда улар етиштирилган тупроқларнинг шўрини ювишда 29-55 фоиз кам сув сарфланиши аниқланган;

ғўзага ўтмишдош экин сифатида махсар (*Carthamus tinctorius* D) ва тарик (*Panicum miliaceum* Link) ўсимликларини етиштириш, ғўзанинг ўсиши ва ривожланишига ижобий таъсир кўрсатиши ҳамда ҳосилдорлигини 1,7-3,4 ц/га ошириши аниқланган;

биомелиорант экинларни ерларнинг мелиоратив ҳолатига ва ғўзанинг ҳосилдорлигига таъсирини баҳолаш бўйича чизикли регрессия модели ва корреляция коэффициенти ўртасида боғлиқлик ($R = -0.82$) мавжудлиги аниқланган;

дала шароитида кичик ҳовузларда Кичик Ряска (*Lemna minor*), Азолла (*Azolla caroliniana*) ва Эйхорния (*Eichhornia crassipes*) сув ўсимликларининг зовур сувларидаги хлор иони миқдорини 18-25 фоизга ва қуруқ қолдиқ миқдорини 20-28 фоизга камайтириши аниқланган;

Кичик Ряска (*Lemna minor*), Азолла (*Azolla caroliniana*) ва Эйхорния (*Eichhornia crassipes*) сув ўсимликларини ўстириш орқали сифати биологик усулда яхшиланган зовур сувлари билан ғўзани “Бухоро – 102” навини суғориш унинг ўсиши ва ривожланишига ижобий таъсир кўрсатиб, ҳосилдорлигини 38-40 ц/га бўлиши ҳамда толанинг сифат кўрсаткичларига ижобий таъсири аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Бухоро вилоятининг ўтлоқи аллювиал, ўртача даражада шўрланган, ўрта қумоқ тупроқлар шароитида кузги буғдойнинг Краснодарская-99 навини N240, P180, K90 кг/га миқдорда озиклантириш ҳамда суғориш олди тупроқ намлигини ЧДНС га нисбатан 70-80-70 % да ушлаб туриб, 2-3-1 схемада 624 - 921 м³/га суғориш меъёрлари ва 4287 м³/га мавсумий суғориш меъёри билан суғориш натижасида дон ҳосили 63,2 ц/га бўлиши аниқланган;

кузги буғдойдан сўнг такрорий экин сифатида қурғоқчиликка чидамли, биомелиорант ўсимликлар сифатида махсар ва тарик етиштириш натижасида тупроқ таркибида тузлар тўпланиши 16-26 % га, шўр ювиш меъёрларининг 29-55 % гача камайиши ва 1 гектар майдондан қўшимча махсардан 24,3 ц/га дон ва 54,8 ц/га пичан ҳамда тарикдан 27,3 ц/га дон ва 35,0 ц/га сомон ҳосили олиш имконияти мавжудлиги аниқланган;

ғўзага ўтмишдош экин сифатида махсар (*Carthamus tinctorius* D) ва тарик (*Panicum miliaceum* Link) ўсимликлари етиштирилганда, ғўзани суғориш олди тупроқ намлигини ЧДНС га нисбатан 70-75-65 % да ушлаб туриб, 1-3-1 схемада 677-1124 м³/га суғориш меъёрлари ва 4093-4136 м³/га мавсумий суғориш меъёри билан суғориш натижасида ғўзадан 40-42 ц/га ҳосил олиш ҳамда дарё сувларини 508-551 м³/га иқтисод қилиниши аниқланган;

кузги буғдойдан сўнг шудгорлаб экин экилмаган далада шўр ювилиб, ғўза етиштирилганда даланинг умумий сув сарфи 10998 м³/га, биомелиорант сифатида махсар етиштирилган далада 10660 м³/га ва тарик етиштирилган далада 9540 м³/га сув сарфланиб, шудгор даласига нисбатан 338-1458 м³/га га кам сув сарфланиши аниқланган;

сув танқислиги кучли сезилган йилларда унинг салбий оқибатларини камайтириш ҳамда дарё сувларининг етиб бориши қийин бўлган худудларда минераллашганлиги 3-5 г/л бўлган зовур сувларининг минерализациясини “*Lemna minor*” ва “*Azolla caroliniana*” сув ўсимликлари ёрдамида биологик усулда пасайтириб ғўзани суғориш дарё сувларини тўлиқ иқтисод қилиш ва ғўзанинг Бухоро-102 навидан 38-40 ц/га ҳосил олиш мумкинлиги исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлиги. Дала ва лаборатория тажрибалари маълумотларига статистик ишлов бериш; назарий ва амалий натижаларнинг бир-бирига мос келиши; олинган маълумотлар математик-статистик таҳлиллар билан тасдиқланганлиги; тадқиқот натижаларининг халқаро ва маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, кузатилган қонуниятлар ва олинган хулосаларнинг мослиги; натижаларни ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги; тажриба натижаларининг халқаро ва Республика миқёсдаги илмий-амалий анжуманларда баён этилганлиги, жумладан Скопус базасига кирувчи нашрларда чоп этилганлиги, натижаларнинг ишончлигини кўрсатади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Бухоро вилоятининг ўтлоқи аллювиал, шўрланган тупроқлари шароитида қурғоқчиликка ва шўрга чидамли ўсимликлардан махсар (*Carthamus tinctorius D*) ва тарик (*Panicum miliaceum Link*) ўсимликларини етиштириш орқали ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ҳамда шўр ювиш меъёри ва муддатларини қисқартириш, суғоришга ишлатилаётган сувнинг самарадорлигини ошириш, коллектор-зовур сувларининг минерализациясини биологик усулда сув ўсимликлари ёрдамида пасайтириб, ғўзанинг “Бухоро-102” навини суғориш унинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсирини илмий жиҳатдан асослаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти биомелиорант экини сифатида қурғоқчиликка ва тузга чидамли ўсимликларни етиштириш орқали ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, органик дехқончиликни юритиш, шўр ювиш меъёрлари ва муддатларини қисқартириш, йил давомида қишлоқ хўжалиги экинларидан узлуксиз фойдаланиш, сув танқислигининг салбий оқибатларини камайтириш мақсадида коллектор-зовур сувларининг минерализациясини биологик усулда пасайтириб, улардан ғўзанинг “Бухоро-102” навини суғориш натижасида тупроқни сув-физик хоссалари, озика, туз, суғориш тартиблари, ғўзанинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигини ошиши натижасида юқори иқтисодий самарадорликка эришилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Суғорма деҳқончиликда биомелиоратив тадбирларининг илмий-амалий асослари бўйича олиб борилган илмий тадқиқотлар натижалари асосида:

ғўза-ғалла қисқа навбатлаб экиш тизимида суғориш сувларининг самарадорлигини ошириш, шунингдек, дарё сувлари қийин етиб борадиган ҳудудларда ҳудудларда минерализацияси биологик усулда тозаланган коллектор-зовур сувларидан суғоришда фойдаланишда фермер хўжаликлари учун қўлланма сифатида «Биомелиоратив тадбирларни қўллаш орқали ерларни шўрини ювишдаги сув сарфини камайтириш» ва «Коллектор-зовур сувлари минерализациясини биологик усулда камайтириш орқали улардан суғорма деҳқончиликда кенг фойдаланиш» номли тавсияномалар тасдиқланган (Сув хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 19 февралдаги 04/20-592-сон маълумотномаси). Мазкур тавсияномалар кластер ва фермер хўжаликлари, шунингдек сувдан фойдаланувчилар учун сув танқислиги шароитларида улардан самарали фойдаланиш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини барқарор сақлаб туришда қўлланма сифатида хизмат қилмоқда;

кузги буғдойнинг Краснодарская-99 навини етиштириш технологияси бўйича Бухоро тумани фермер хўжаликларида 600 гектар, Вобкент тумани фермер хўжаликларида 1200 гектар, Когон тумани фермер хўжаликларида 450 гектар, жами 2250 гектарда жорий қилинган (Сув хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 19 февралдаги 04/20-592-сон маълумотномаси). Натижада кузги буғдойнинг Краснодарская-99 навини суғориш олди тупроқ намлигини ЧДНС га нисбатан 70-80-70 %, 2-3-1 схемасида суғориш ҳамда маъдан ўғитлар меъёри азот-240, фосфор-180 ва калий-90 кг/га меъёрда қўлланилган ҳолда, суғориш ишларига ҳар гектар майдонда 1500-1900 м³ сув тежалиб, тупроқдаги тузлар миқдори 0,027-0,021 % (қуруқ қолдиқ) нинг кам йиғилишига ҳамда кузги буғдойдан қўшимча 9,2-11,8 ц/га ҳосил олишга эришилган;

кузги буғдойдан бўшаган майдонларда қурғоқчиликка ва шўрланишга чидамли биомелиорант экинларидан махсар ва тарикни такрорий экин сифатида етиштириш технологияси Бухоро тумани фермер хўжаликларида 550 гектар, Вобкент тумани фермер хўжаликларида 900 гектар, Пешку тумани фермер хўжаликларида 1050 гектар ва Шофиркон тумани фермер хўжаликларининг 1450 гектар, жами 3950 гектар майдонда жорий қилинган (Сув хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 19 февралдаги 04/20-592-сон маълумотномаси). Натижада биомелиорант экинлари етиштириш тупроқларнинг 1 метрлик қатламида хлор иони миқдори кузги буғдойдан сўнг шудгорлаб қўйилган далада 0,043-0,045 %, махсар даласида 0,029-0,032 % ва тарик даласида 0,025-0,026 % га тенг бўлиб, такрорий экин экилмасдан шудгорлаб қўйилган далага нисбатан хлор иони 0,019-0,031 % га кам йиғилган. Ушбу далаларда шўр ювиш ишлари бажарилганда кузги буғдойдан сўнг шудгорлаб, экин экилмаган далада шўр ювиш меъёри - 5200 м³/га, махсар даласида 3600 м³/га ва тарик даласида 2900 м³/га ни ташкил қилган. Биомелиорант экинлари экилган далада такрорий экин экилмасдан шудгорлаб

кўйилган далага нисбатан шўр ювишга 29-55 % ёки 1600-2300 м³/га кам сув сарфланган;

коллектор-зовур сувларининг минерализациясини пасайтириб, ғўзани суғориш технологияси Когон тумани фермер хўжаликларида 70 гектар, Шофиркон тумани фермер хўжаликларида 140 гектар ва Пешку тумани фермер хўжаликларида 90 гектар, жами 300 гектар майдонда жорий қилинган (Сув хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 19 февралдаги 04/20-592-сон маълумотномаси). Натижада минерализацияси 3-5 г/л га тенг бўлган коллектор-зовур сувларида Кичик Ряска (*Lemna minor*) ва Азолла (*Azolla caroliniana*) сув ўсимликларини ўстириш орқали, коллектор-зовур сувларининг минераллик даражасини пасайтиришга эришилган ва бу сувлар билан ғўза майдонларини суғориш натижасида ғўзани коллектор-зовур сувлари билан тўғридан-тўғри суғоришга нисбатан тупроқда хлор иони миқдори 0,007-0,009 % га кам йиғилишига ва пахтадан қўшимча 6,5-8,0 ц/га ҳосил олишга эришилган.

Тадқиқот натижаларини апробацияси. Дала, ишлаб чиқариш тажрибалари ҳар йили Ўзбекистон Республикаси ҚХБИММ, ТИҚХММИ ва Германиянинг ZALF агротехнологиялар илмий маркази олимлари томонидан тузилган махсус апробация комиссияси томонидан ижобий баҳоланган, тадқиқот натижалари асосида тайёрланган илмий ҳисоботлар институтнинг илмий кенгаши ҳамда илмий-услубий кенгашларида муҳокама қилиниб, диссертация ишининг асосий илмий натижалари 4 та республика ва 3 та халқаро илмий-амалий анжуманларда, жами 7 марта маъруза қилинган.

Тадқиқот натижаларини эълон қилиниши. Диссертация иши бўйича жами 23 та илмий иш нашр этилган. Шундан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 14 та мақола (жумладан, 9 та мақола Республика ва 2 та мақола хорижий илмий журналларда) ҳамда 2 та монография ва 2 та Scopus базасида мақола, 2 та тавсиянома ва 1 та муаллифлик гувоҳномаси нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш қисми, олтита боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 200 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида олиб борилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати илмий асосланган. Тадқиқотларнинг мақсади, вазифалари ҳамда объекти ва предметлари тавсифланган, Ўзбекистон фан ва технологияси тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган илмий ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “**Адабиётлар шарҳи**” деб номланган биринчи бобида мавзуга оид хорижий ҳамда маҳаллий олимларнинг илмий тадқиқот натижаси ҳамда адабиётлар шарҳи батафсил ёритилган. Бундан ташқари илмий манбалардан олинган тадқиқот натижалари бўйича хулосалар таҳлили келтирилган бўлиб, бугунги кунда илмий изланишлар олдига қўйилган мақсад ва вазифалар, суғорма деҳқончилик шароитида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашда биомелиорант ўсимликлар етиштириш орқали тупроқнинг шўрланиш даражасини камайтириш, сув танқислиги шароитида коллектор-зовур сувларидан фойдаланиш бўйича илмий изланишларни олиб бориш зарурлиги келтирилган.

Диссертациянинг “**Тадқиқот ўтказилган жойнинг табиий шароитлари**” деб номланган иккинчи бобида Бухоро вилоятининг географик ўрни, рельефи ва ер фонди, табиий иқлим шароити, вилоятнинг геологик, литологик ва гидрогеологик шароитлари, тупроқ-мелиоратив ҳолати ҳамда коллектор-зовур тармоқлари ва уларнинг минераллашганлик даражаси бўйича маълумотлар келтирилган.

Тадқиқот ўтказиш услублари деб номланган учинчи бобда диссертация мавзуси бўйича илмий тадқиқотлар 2009-2013 ҳамда 2017-2019 йилларда олиб борилган объектлар ва тадқиқот ўтказиш услублари келтирилган. Биомелиоратив тадбирларнинг самарадорлиги бўйича тадқиқотлар Бухоро вилояти Бухоро тумани Бафо Қурбон Саркор фермер хўжалигининг ўртача шўрланган далаларида ҳамда коллектор-зовур сувларидан фойдаланиб, ғўзани суғориш бўйича илмий изланишлар Когон тумани “Мўмин Мирзо Саховати” фермер хўжалигининг ўртача шўрланган майдонларида амалга оширилган. Биомелиоратив тадбирларнинг самарадорлигини ўрганиш бўйича диссертация тадқиқотларида вариантлар бир ярусда, 3 қайтариқда жойлаштирилиб, ҳар бир қайтариқнинг майдони 960 м² (узунлиги 100 м, кенлиги 9,6 м), тажриба даласининг ҳисобий майдони – (2880 м²) ни, умумий майдони эса, 8640 м² ни ташкил қилган.

Коллектор-зовур сувларидан фойдаланиш бўйича ўтказилган тажрибада 2017-2019 йилларда коллектор-зовур сувларининг минерализациясини сув ўсимликлари ёрдамида биологик усулда пасайтириб, ғўзанинг Бухоро-102 навини суғоришда вариантлар 4 та бўлиб, вариантлар бир ярусда ва 3 қайтариқда жойлаштирилган. Ҳар бир қайтариқнинг майдони 960 м² (узунлиги 100 м, кенлиги 9,6 м), тажриба даласининг ҳисобий майдони – (2880 м²) ни ва умумий майдони – 11520 м² ни ташкил этган.

Тадқиқотлар давомида тажрибалар “Дала тажрибаларини ўтказиш услублари”, тупроқнинг сув-физик ва агрохимёвий хоссаларини аниқлаш “Методика агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в поливных районах” қўлланмалари асосида бажарилган.

Диссертациянинг “**Тажриба майдонларида етиштирилган экинларнинг агротехник тадбирлари**” деб номланган тўртинчи бобида, биринчи тажриба майдонида 2009-2012 йилларда кузги буғдойнинг “Краснодарская-99” навини етиштиришда олиб борилган агротехник

тадбирлар таснифи келтирилган. Кузги буғдой вилоят учун қабул қилинган суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-80-70 %, маъдан ўғитлар меъёри азот-240, фосфор-180, калий-90 кг/га меъёрда қўлланилган ҳолда ўрганилган.

2010-2012 йилларда кузги буғдойдан сўнг биомелиорант экини сифатида махсар ҳамда тариқ етиштирилган ва назорат, шудгорлаб экин экилмаган дала билан солиштирилиб, кузатувлар олиб борилган. Тажриба даласига махсарнинг “Милютинский-114” нави, тариқнинг “Саратовская–853” навлари экилган бўлиб, ўсув даврида экинлар икки марта минерал озиқлантирилган ҳамда икки марта суғорилган. Шунингдек, биомелиорант экинларининг ўтмишдош сифатида ғўзани ўсиши-ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсирини ўрганишда ушбу далада ғўзанинг Бухоро-6 навини етиштириш бўйича кузатувлар олиб борилган.

Минерализацияси биологик усулда пасайтирилган коллектор-зовур сувлари билан ғўзанинг Бухоро-102 навини суғориш бўйича илмий изланишларда тажрибаларнинг назорат, яъни 1-вариантида коллектор-зовур сувлари билан тўғридан-тўғри суғориш ишлари амалга оширилган бўлса, қолган вариантларда зовур сувлари минерализациясини сув ўсимликлари ёрдамида биологик усулда пасайтириб, ғўза суғорилган.

Диссертациянинг **Биомелиорация тадбирлари бўйича дала тажрибаларининг натижалари** деб номланган бешинчи бобида биомелиорант экинлар сифатида қурғоқчиликка ва шўрга чидамли экинларни етиштириш орқали тупроқда туз тўпланиш интенсивлигини камайтириш ҳамда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича тажриба натижалари келтирилган. Тажрибаларда кузги буғдойнинг суғориш тартиби ва кузги буғдойдан сўнг биомелиорант экинларини етиштириш, шунингдек, биомелиоратив тадбирларнинг тупроқни шўрини ювиш меъёри ва муддатларига таъсири ва ўтмишдош биомелиорант экинларининг ғўзани ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсири бўйича изланиш натижалари келтирилган.

Тажриба даласи тупроғининг морфологик таснифи, механик таркиби ва агрохимёвий хоссалари деб номланган 5.1 параграфда тажриба майдони тупроқ кесмаси қазилиб, тупроқнинг литологик тузилиши, қатламларнинг қалинлиги, морфологик аломатлари, намлиги, зичлиги, донаторлиги ўрганилган. Шунингдек, тупроқнинг механик таркиби Н.А.Качинский классификацияси бўйича баҳоланган бўлиб, кузги буғдойни экиш олдида тупроқнинг сув-физик хоссалари ўрганилган. Тупроқ қатлами бўйича 0-132 см қатлам ўрта қумоқ, 133-168 см қатлам енгил қумоқ ҳамда 169-214 см қатлам ўрта қумоқ тупроқларни ташкил этган.

2010-2012 йилларда олиб борилган тажрибаларда тупроқнинг ҳажм массаси вегетация даври бошида ҳайдов 0-30 см қатламда $1,28 \text{ г/см}^3$, 0-50 см да $1,30 \text{ г/см}^3$ ва 1 метрлик қатламда $1,34 \text{ г/см}^3$ га тенг бўлган. Кузги буғдойни экиш олдида тупроқнинг сув ўтказувчанлиги олти соат давомида $891,8 \text{ м}^3/\text{га}$ ($0,248 \text{ мм/мин}$) ни ташкил қилган.

Диссертациянинг “Кузги буғдойни суғориш тартиби” деб номланган бўлимида 2009-2012 йилларда кузги буғдойнинг “Краснодарская-99” навини Бухоро вилояти шароити учун қабул қилинган суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-80-70 % да, маъдан ўғитлар меъёри N-240, P-180, K-90 кг/га меъёрида қўллаб етиштиришда, назоратга нисбатан суғориш меъёрлари ва сонларини ўзгариши аниқланган. Бунда кузги буғдой 6 марта суғорилиб, суғоришга сарфланган сув миқдори 624-921 м³/га, мавсумий суғориш меъёри эса 4287 м³/га ни ташкил қилган. Кузатувларнинг назорат, яъни хўжалик шароитида етиштирилган кузги буғдой мавсум давомида 6 марта суғорилиб, суғориш меъёри 948-1186 м³/га, мавсумий суғориш меъёри эса 6222 м³/га ни ташкил қилган. Бу эса суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-80-70 % да суғорилган вариантга нисбатан суғориш меъёри 167-306 м³/га, мавсумий суғориш меъёри эса 1935 м³/га кўп сарфланган.


Кузги буғдойнинг суғориш тартибини сизот сувлари сатҳи ва минераллашганлик даражасига таъсири деб номланган бўлимда, кузги буғдойни етиштиришнинг сизот сувларининг сатҳи ва уларнинг минерализациясига таъсири ўрганиб борилган. Тадқиқотларнинг хўжалик шароитида етиштирилган кузги буғдой даласида сизот сувларининг ўзгариш амплитудаси 36 см, ўртача сатҳи 183 см ни ташкил қилиб, 2-вариантга нисбатан 8 см га ер сатҳига яқин жойлашди. Кузатувлар давомида кузги буғдойни суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-80-70 % да суғоришлар бажарилган 2-вариантда сизот сувларининг сатҳи кузги буғдойни ўсув даврида ўртача 191 см, ўзгариш амплитудаси 31 см ни ташкил қилган.

Кузги буғдойни етиштиришнинг сизот сувлари минерализациясига таъсири ўрганилганда, экишдан олдин сизот сувлари таркибидаги хлор миқдори 0,247 г/л га тенг бўлган бўлса, тажриба охирида назорат, 1-вариантда хлор миқдори 0,228 г/л га, 2-вариантда эса 0,215 г/л га тенг бўлиб, назорат даласига нисбатан 0,013 г/л га кам йиғилган. Шунингдек, куруқ қолдиқ миқдори амал-ўсув даври бошида 2,065 г/л га тенг бўлган бўлса, амал ўсув даври охирида назорат вариантыда 2,243 г/л га, 2-вариантда эса 2,174 г/л га тенг бўлди.

Кузги буғдойнинг суғориш тартибини тупроқнинг туз ва озуқа моддалар тартибига таъсири деб номланган бўлимда, кузги буғдойнинг “Краснодарская-99” навини етиштириш натижасида тупроқдаги тузлар миқдорига таъсири ўрганилган. Кузги буғдойни экишдан олдин тупроқдаги хлор иони миқдори ҳайдов қатламда 0,011 % ни, 1 метрлик қатламда 0,010 % ни ташкил қилган бўлса, амал ўсув даври охирида назорат вариантыда ҳайдов қатламида 0,026 га ва 1 метрлик қатламда 0,028 % га тенг бўлиб, вегетация бошига нисбатан 0,015-0,018 % гача ошган. Кузги буғдойни суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-80-70 % да суғориш ишлари амалга оширилган 2-вариантда тупроқдаги хлор иони миқдори ҳайдов қатламда 0,021 % га ва 1 метрлик қатламда 0,024 % га тенг бўлиб, назорат вариантыга нисбатан 0,010-0,013 % га кам туз йиғилганлиги аниқланган (1-расм).

Тупроқ таркибидаги куруқ қолдиқ миқдори амал ўсув даври бошида

хайдов қатламда 0,175 %, 0-100 см қатламда 0,146 % га тенг бўлган бўлса, вегетация охирида назорат, 1-вариантда хайдов қатламда 0,275 % ни, 1 метрлик қатламда 0,242 % га тенг бўлган. Кузатувларнинг 2-вариантида тупроқдаги қуруқ қолдиқ миқдори хайдов қатламда 0,248 % ни, 1 метрлик қатламда 0,221 % ни ташкил қилиб, назорат вариантыга нисбатан 0,021-0,027 % га кам туз йиғилган.



1-расм. Кузги буғдойни суғориш ҳамда озиклантириш меъёрининг тупроқдаги тузлар миқдорига таъсири

Кузги буғдойнинг дон ва сомон ҳосилдорлиги деб номланган бўлимда, 2009-2012 йилларда кузги буғдойнинг “Краснодарская-99” навини етиштиришда назорат вариантда, яъни хўжалик шароитида етиштирилган далада кузги буғдойдан 53,9 ц/га дон ва 53,8 сомон ҳосили олинган бўлса, вилоят учун тавсия қилинган суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-80-70 % да суғорилиб, маъдан ўғитлар меъёри, азот-240 кг, фосфор-180 кг ва калий-90 кг/га қўлланилиб, етиштирилган 2-вариантда кузги буғдойдан ўртача 63,2 ц/га дон ҳосили ва 69,1 сомон ҳосили олинган, бу эса назорат вариантыга нисбатан қўшимча 9,2 ц/га дон ва 15,3 ц/га сомон ҳосили олиш имконини берган.

Суғориш тартиби ва ўғитлар меъёрини кузги буғдой етиштиришнинг иқтисодий самарадорлигига таъсири деб номланган бўлимда кузги буғдойнинг “Краснодарская-99” навини хўжалик шароитида етиштирилган 1-вариантда ўртача уч йилда олинган шартли соф фойда 267 минг 767 сўм/га ва рентабеллик даражаси 13,9 % га тенг бўлган бўлса, тажрибаларнинг 2-вариантида шартли соф фойда 612 минг 033 сўм/га ни ташкил қилиб, рентабеллик даражаси 27,1 % га тенг бўлган.


Такрорий экин сифатида биомелиорант ўсимликларини етиштириш деб номланган параграфда, кузги буғдойдан биомелиорант экинлари етиштирилган тажриба даласи тупроғининг сув-физик хоссалари, сизот сувлари сатҳи ва минерализацияси, тупроқнинг шўрланиши, тупроқдаги чиринди миқдорини ўзгариши бўйича тажриба натижалари келтирилган. 2010-2012 йилларда олиб борилган тажрибаларда вегетация даври бошида тупроқнинг ҳажм массаси хайдов қатламда 1,31 г/см³ ни, 0-100 см ли қатламда 1,36 г/см³ га тенг бўлган бўлса, тажрибалар охирига бориб назорат

1-вариантда, яъни кузги буғдойдан сўнг шудгорлаб экин экилмаган дала тупроғининг ҳажм массаси деярли ўзгармаган. Махсар етиштирилган 2-вариантда тупроқнинг ҳажмий оғирлиги ҳайдов қатламда $0,02 \text{ г/см}^3$ гача ошиб, $1,33 \text{ г/см}^3$ га ва 1 метрлик қатламда эса, $1,36 \text{ г/см}^3$ га тенг бўлган. Тариқ етиштирилган 3-вариантда ҳам тупроқнинг ҳажм массаси ҳайдов қатламда $1,33 \text{ г/см}^3$ ва 1 метрлик қатламда $1,36 \text{ г/см}^3$ га тенг бўлган.

Биомелиорант ўсимликларнинг суғориш тартиби деб номланган бўлимда, тажрибалар давомида назорат, яъни шудгорлаб қўйилган 1-вариантда суғориш ишлари амалга оширилмаган. Биомелиорант экинларида энг юқори суғоришлар меъёри тажрибанинг 2-вариантида, яъни махсар экилган далада $702-1019 \text{ м}^3/\text{га}$ ва мавсумий суғориш меъёри $1721 \text{ м}^3/\text{га}$ тенг бўлган. Кузатувларнинг 3-вариантида, яъни тариқ экилган далада суғориш меъёри $637-792 \text{ м}^3/\text{га}$ ва мавсумий суғоришлар меъёри $1429 \text{ м}^3/\text{га}$ ни ташкил қилган. Биомелиорант ўсимликларини экиш олдидан тупроқни намлатиш учун суғориш меъёри $1167 \text{ м}^3/\text{га}$ ни ташкил қилиб, мавсумий суғориш меъёрига қўшиб ҳисоблаганда $2596-2886 \text{ м}^3/\text{га}$ га тенг бўлган. Биомелиорант ўсимликлари амал ўсув даври давомида 2 марта суғорилган бўлиб суғоришлар август-сентябр ойларида ўтказилган. Суғоришлар орасидаги давр 20 – 25 кунни ташкил қилган.

Биомелиорант ўсимликлар етиштиришни тупроқнинг туз режимига таъсири деб номланган бўлимда, биомелиорант сифатида махсар ҳамда тариқ экилган далаларда тупроқдаги тузлар миқдори шудгор даласига нисбатан солиштирган ҳолда ўрганилган. Тажриба майдонида дастлаб, вегетация даври бошида тупроқнинг ҳайдов қатламида хлор иони $0,019 \%$ ва 0-100 см ли қатламда $0,016 \%$ га тенг бўлган бўлса, вегетация охирида назорат вариантда тупроқдаги хлор иони миқдори ҳайдов қатламда $0,045 \%$ ва 0-100 см қатламда $0,043 \%$ га тенг бўлган. Биомелиорант сифатида махсар экилган 2-вариантда хлор иони миқдори вегетация охирида ҳайдов қатламда $0,032 \%$ ва 0-100 см қатламда $0,029 \%$ га тенг бўлиб, назоратга нисбатан $0,013-0,014 \%$ га кам туз йиғилган. Тариқ етиштирилган 3-вариантда, хлор иони миқдори ҳайдов қатламда $0,030 \%$ га ва 0-100 см қатламда $0,026 \%$ га тенг бўлиб, назоратга нисбатан $0,015$ ва $0,017 \%$ га, махсар экилган далага нисбатан эса, $0,002$ ва $0,003 \%$ га кам туз йиғилган.

Кузатувлар давомида куруқ қолдиқ миқдорининг ўзгариши таҳлил қилинганда, дастлаб ҳайдов қатламида $0,209 \%$ га ва 0-100 см ли қатламда $0,167 \%$ га тенг бўлган бўлса, амал-ўсув даври охирига бориб, шудгор даласида ҳайдов ва 1 метрлик қатламларда $0,417$ ва $0,380 \%$, махсар экилган 2-вариантда мос равишда $0,337$ ва $0,300 \%$ ва тариқ етиштирилган далада ҳайдов қатламда $0,269 \%$ ва 1 метрлик қатламда $0,258 \%$ га тенг бўлиб, назорат вариантыга нисбатан $0,080-0,149 \%$ га кам туз йиғилган. Бу эса тажрибаларда амал-ўсув даври бошида тупроқнинг шўрланиш даражаси бўйича кам шўрланган тупроқлардан вегетация охирида ўртача шўрланган тупроқлар даражасига ўтганлигини кўрсатади (2-расм).



2-расм. Биомелиорант ўсимликларининг тупроқдаги қуруқ қолдиқ миқдорига таъсири

Биомелиорант ўсимликларининг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлиги деб номланган бўлимда 2010-2012 йилларда такрорий экин махсардан гектарига 24,3 ц/га дон ва 54,8 ц/га пичан ҳосили олинган бўлса, тариқдан гектарига 27,3 ц/га дон ва 35,0 ц/га пичан ҳосили олинган.

Тупроқ шўрини ювиш муддати ва меъёрлари деб номланган параграфда далани шўрини ювиш бўйича ўтказилган тадқиқотларда шудгорлаб қўйилган назорат 1-вариантида шўр ювиш меъёри 5146-5227 м³/га га, шўр ювиш ишлари 3 марта ўтказилди. Тажирибаларнинг 2-вариантида мавсумий шўр ювиш меъёри 3584-3652 м³/га ни ташкил қилиб, мавсум давомида 2 марта шўр ювиш ишлари бажарилган. Тариқ етиштирилган 3-вариантда шўр ювиш меъёри 2754-2965 м³/га ни ташкил қилиб, назорат даласига нисбатан 1562-2262 м³/га кам сув сарфланган (3-расм). Тажириба даласида шўр ювиш ишлари декабр ойининг охиридан январ ойининг охиригача давом этган ва шўр ювиш орасидаги давр 14-18 кун бўлган.



3-расм. Биомелиорант ўсимликларининг тупроқни шўр ювиш меъёрига таъсири

Биомелиорант ўсимликлар етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги деб номланган бўлимда келтирилган маълумотларга кўра, биомелиорант сифатида махсар ўсимлиги экилган иккинчи вариантда,

шартли соф фойда 2991,9 минг сўм/га, рентабеллик даражаси 32,8 фоизни ташкил қилган бўлса, тарик экилган 3-вариантда шартли соф фойда 1994,8 минг сўм/га, рентабеллик даражаси эса 27,9 фоизни ташкил қилган.

Ўтмишдош биомелиорант ўсимликларнинг ғўзани ўсиб-ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсири деб номланган параграфда биомелиорант ўсимликларини етиштириш натижасида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, тупроқ унумдорлигини ошириш, унинг сув-физик хоссаларини яхшилаш, алмашлаб экиш тизимида ғўза етиштиришнинг суғориш меъёри, ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсирини ўрганишдан иборат бўлган.

Тупроқнинг сув-физик хоссасини ўрганишда, 2011-2013 йилларда назорат, 1-вариантда вегетация даври бошида тупроқнинг ҳажм массаси ҳайдов қатламда 1,29 г/см³ ва 0-100 см қатламда 1,36 г/см³ га тенг бўлган бўлса, вегетация охирига бориб, ҳайдов қатламда 1,32 г/см³ ва 0-100 см қатламда 1,38 г/см³ га тенг бўлган. 2-вариантда тупроқнинг ҳажм массаси вегетация бошида ҳайдов қатламда 1,28 г/см³ ва 0-100 см қатламда 1,35 г/см³ га тенг бўлиб, вегетация охирида 1,31 ва 1,36 г/см³ га тенг бўлган ва назорат вариантыга нисбатан тупроқ 0,01-0,02 г/см³ га кам зичлашган. Тажрибаларнинг 3-вариантида тупроқнинг ҳажм массаси вегетация даври бошида 1,27 ва 1,35 г/см³ ни, амал-ўсув даври охирида эса, 1,30 ва 1,36 г/см³ тенг бўлиб, назорат вариантыга нисбатан ҳайдов ва 0-100 см қатламда тупроқ 0,02 г/см³ га кам зичлашган. Тупроқнинг сув ўтказувчанлиги 1-вариантда вегетация даври бошида 6 соатда 795 м³/га, вегетация охирида 721,4 м³/га га тенг бўлган бўлса, 2-вариантда бу кўрсаткич вегетация бошида 817,3 м³/га га ва вегетация охирида 746,8 м³/га га тенг бўлган. Тажрибаларнинг 3-вариантида тупроқнинг сув ўтказувчанлиги вегетация бошида 832,5 м³/га ва вегетация охирида 759,8 м³/га ни ташкил қилиб, назорат вариантыга нисбатан тупроқнинг сув ўтказувчанлиги 25,4-38,4 м³/га га юқори бўлган.

Ўтмишдош экинларни ғўзанинг суғориш тартибига таъсири деб номланган бўлимда, тажриба даласида ғўзанинг “Бухоро-6” нави суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-75-65 % да, 1-3-1 тизимда 5 марта, 677-1206 м³/га суғориш меъёрлари ва 4644-4093 м³/га мавсумий суғориш меъёри билан суғорилган. Суғоришлар вақти 14 - 22 соат ва суғоришлар орасидаги давр 18-22 кунга тенг бўлган.

Алмашлаб экиш тизимида такрорий биомелиорант экинларини ғўзани суғориш тартибига таъсири аниқланган. 2011-2013 йилларда шудгорлаб, биомелиорант экин экилмаган далада ғўза етиштирилган назорат, 1-вариантда, ғўзани суғориш меъёри 750-1206 м³/га ва мавсумий суғориш меъёри 4644 м³/га га тенг бўлган бўлса, махсардан сўнг ғўза етиштирилган 2-вариантда ғўзани суғориш меъёри 677-1124 м³/га ва мавсумий суғориш меъёри 4136 м³/га га тенг бўлиб, назорат вариантыга нисбатан 508 м³/га га кам сув сарфланган. Ўтмишдоши тарик бўлган далада ғўза етиштирилган 3-вариантда суғориш меъёри 686-1096 м³/га ва мавсумий суғориш меъёри 4093 м³/га га тенг бўлиб, назорат вариантыга нисбатан 551 м³/га, 2-вариантга нисбатан эса 43 м³/га кам сув сарфланган.


Ғўзанинг суғориш тартибини тупроқнинг туз режимини ўзгаришига таъсири деб номланган бўлимда, тупроқнинг туз режимини ўрганиш бўйича

